

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/05.06. 2023.Tib.102.02
РАҚАМЛИ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

КАМАЛОВА МАЛИКА ИЛХОМОВНА

**ФЕРТИЛ ЁШДАГИ АЁЛЛАРДА ИШЕМИК ИНСУЛЬТНИНГ КЛИНИК ВА
МОРФОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.13 – Неврология

14.00.02 – Морфология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарканд – 2025 йил

Докторлик (DSc)диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертация

Content of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Камалова Малика Илхомовна

Фертил ёшдаги аёлларда ишемик инсультнинг клиник ва морфологик хусусиятлари3

Камалова Малика Илхомовна

Клинико – морфологические особенности ишемического инсульта у женщин фертильного возраста.....35

Kamalova Malika Ilkhomovna

Clinical and morphologic features of ischemic Stroke in women of fertile age68

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....74

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/05.06. 2023.Tib.102.02
РАҚАМЛИ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

КАМАЛОВА МАЛИКА ИЛХОМОВНА

**ФЕРТИЛ ЁШДАГИ АЁЛЛАРДА ИШЕМИК ИНСУЛЬТНИНГ КЛИНИК ВА
МОРФОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.13 – Неврология

14.00.02 – Морфология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарканд – 2025йил

Докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2024.1.DSc/Tib832-рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Самарқанд Давлат Тиббиёт Университети веб-саҳифасида (www.samtmu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net/uz) жойлаштирилган

Илмий маслаҳатчилар:

Хайдаров Нодиржон Кодирович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Исламов Шавкат Эркинғатоич
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Раимова Малика Мухамеджоновна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Жаринибетова Шайра Азамовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ҳасулза Хашидулла Абдуллаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Кубан давлат тиббиёт университети
(Россия Федерацияси).

Диссертация химояси Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги илмий даражаларлар берувчи DSc.04/05.05.2023.Tib.102.03 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2025 йил «27» сентябр кунин соат 12.30 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140100, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд шаҳри, Анкабай кўчаси, 6-уй. Тел.: (+99866) 233-08-41; факс: (+99866) 233-71-75; e-mail: samtmu@samtmu.uz)

Диссертация билан Самарқанд давлат тиббиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (3 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд ш., Амир Темур кўчаси, 18 уй; Тел.: (+99866) 233-08-41; факс: (+99866) 233-71-75

Диссертация автореферати 2025 йил «14» сентябр кунин тарқатилди.
(2025 йил «14» сентябр даги 3 рақамли реестр баённомаси).



Н.Н. Абдуллаева

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

К.В. Шыркина

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари буйича фалсафа доктори (PhD), доцент

А.Т. Джурабекова

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси (DSc) аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда инсульт энг хавфли ва кенг тарқалган неврологик патологиялардан бири ҳисобланади. Миянинг қон айланишининг ўткир бузилиши ҳар 1000 аҳолининг ҳар учинчисида қайд этилади. Инсульт - меҳнат қобилиятининг доимий йўқолишига сабаб бўлади. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг (ЖССТ) маълумотларига кўра, ...«2023 йилда дунёда ишемик инсультлар ёки цереброваскуляр касалликлар барча касаликларни ҳисобга олган ҳолда 18%ни яъни ҳар йили тахминан 10 миллион киши вафот этади...».¹ Ишемик инсультнинг ўлим кўрсаткичи фақат юрак касалликларидан кейинги иккинчи ўринда туради ва эркаклар орасида 8%, аёллар орасида 16%ни ташкил қилади. Ғарбий Европада ишемик инсульт билан оғриган фертил ёшдаги аёлларни даволаш ва реабилитация қилиш учун ўртача йилига 33000 евро сарфланмоқда. Бироқ, рақамларни кўриб чиқишда, шуни таъкидлаш керакки, узок вақт давомида тадқиқотларда сезиларли даражада кўпроқ эркаклар текширилган. Гарчи ҳозирги вақтда гендер сезгир маълумотлар кўпроқ тўпланаётган бўлса-да, кўп саволлар жавобсиз қолмоқда.

Жаҳонда ишемик инсульт ҳар қандай ёшдаги одамларда пайдо бўлиши мумкин. Аёлларда эса мия қон айланишининг бузилишлари кўпинча 18 ёшдан 65 ёшгача бўлган даврда пайдо бўлиши аниқланган. Инсульт келиб чиқиши турли омиллар билан боғлиқ бўлиб, эркаклардан фарқли ўлароқ, аёлларда кучлироқ учрайди бунга сабаб гормоналлар мувозанатининг бузилиши бўлиб, бу- касалликка мойил қилувчи ҳолатлардан биридир. Ҳозирги вақтда ишемик инсульт бутун дунёда энг жиддий тиббий ва ижтимоий муаммолардан бири ҳисобланади

Дунёда ўтказилган бир қатор илмий тадқиқотлар шуни кўрсатдики, кўпчилик одамлар учун инсульт бутунлай кутилмаган ҳолат ҳисобланади. Аммо кўпчилик билмайдиган нарса шуки - инсультни олдиндан кўрсатиши мумкин бўлган маълум белгилар мавжуд. Инсультнинг дастлабки белгилари қанчалик эрта аниқланса, инсультнинг олдини олиш шунчалик тез ва самарали бўлади. Аёлларнинг 55% ушбу касалликдан азият чекади ва, демак, эркакларга қараганда бироз кўпроқ азият чекади, бу қисман уларнинг ўртача беш йил кўпроқ умр кўришлари билан боғлиқ. Бу ҳам аёлларда инсультлар кўпинча оғирроқ кечиши ва тузалиш учун кўпроқ вақт талаб этилишининг сабабидир.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, соғлиқни сақлаш тизимини жаҳон стандартлари талабларига мослаштириш, шу жумладан турли этиологияли соматик касалликларнинг олдини олишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу муносабат билан, Янги Ўзбекистонда 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясининг етти устувор йўналишига мувофиқ тиббий хизматлар даражасини янги босқичга кўтариш «...ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини яхшилаш, шунингдек, асаб тизими касалликлари билан оғриган фертил ёшдаги

¹ World Health Organization WHO 2023. URL: <http://www.who.int/bulletin/volumes/116/ru>

аёлларларга юқори технологияли ихтисослаштирилган ёрдам. кўрсатиш хажмини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш...»² ва ушбу вазифаларга асосланиб, ўтказилган бош мия қон айланишининг ўткир бузилишидан кейин фертил ёшдаги аёлларларни эрта реабилитация қилишга қаратилган чоратадбирлар тўпламини ўрганиш, шунингдек, ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ– 60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида», 2021 йил 28 июлдаги ПҚ-5199-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 30 августдаги ПҚ5590-сонли «Аҳолига неврологик ёрдам кўрсатишни яхшилаш чора тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи³. Фертил ёшдаги аёлларда ишемик insultларнинг клиник-морфологик хусусиятларини ўрганишга асосланган ва олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқишга йўналтирилган қатор илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: Ochsner/LSU Health Sciences Center, Wayne State University, University of North Carolina, Morehouse School of Medicine (АҚШ); University of Pecs (Вэнгрия); Tribhuvan University (Непал); Nanjing Medical University, Beijing Anzhen Hospital, Shanghai Jiaotong University, Soochow University, Capital Medical University (Хитой); Yamagata University, Iizuka Hospital (Япония), Тошкент тиббиёт академияси (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Фертил ёшдаги аёлларда ишемик insultларнинг клиник-морфологик хусусиятларини ўрганишга асосланган ва олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқиш борасида олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги натижалар олинган: Инсулт келиб чиқиши турли омиллар билан боғлиқ бўлиб, БМҚАЎБ ўтказган фертил ёшдаги аёлларларнинг реабилитациясига қаратилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан (Nanjing Medical University, Хитой); париетал соҳадаги кардиоген insultдан кейинги эпилепсия ривожланишини ўрни ва ахамияти баҳоланган (University of Iizuka

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» Фармони

³ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи www.ochsnersuhs.org, www.wmich.edu, www.unc.edu, www.msm.edu, www.international.pte.hu, www.tu.edu.np, www.njmu.edu.cn, www.anzhen.org, www.en.sjtu.edu.cn, www.eng.suda.edu.cn, www.ccmu.edu.cn, www.yamagata-u.ac.jp, www.aih-net.com, www.tma.uz сайтлар асосида ишлаб чиқилган.

Hospital, Япония); инсультларни олдини ва самаралди даволашда антитромбик терапиянинг аҳамияти баҳоланган (University of Ochsner/LSU Health Sciences Center, АҚШ); (Universität Ulm am Bezirkskrankenhaus Günzburg, Hannover Medical School, Германия); кардиоген инсульт билан хасталанган пацентларнинг олиб бориш, ташхисланган ва даволашнинг стратегиясини такомиллаштириш ва самарли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш (University of Beijing Anzhen Hospital, Хитой); Жаҳон инсультга қарши курашиш ташкилоти (ЖИҚКТ) ҳамда Тошкент тиббиёт академияси ва Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий марказида (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Дунёда фертил ёшдаги аёлларда ишемик инсультларнинг клиник-морфологик хусусиятларини ўрганишга асосланган ва олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқиш бўйича қатор, жумладан, куйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: секцион инфаркт ҳолатларда миянинг морфологик ташхислаш орқали мия инфаркти ҳар бирининг ҳажми, локализацияси даражасини белгилаш; миянинг морфологик тадқиқоти маълумотларини мия артериялари, аортадаги атеросклеротик ва юракдаги бирга келадиган ўзгаришларнинг табиати ва локализацияси билан таққослаш асосида мия инфарктининг сабабини баҳолашни такомиллаштириш; инсульт кардиоэмболик турида уйқу ва вертебробазилар артерия ҳавзаларида битта ва кўплаб мия инфаркти пайдо бўлишининг морфологик хусусиятларини баҳолашни такомиллаштириш; ўткир ишемик инсульт билан хастланган фертил ёшдаги аёлларни даволаш баённомалар билан солиштирганда ишемик инсульт бошдан кечирган фертил ёшдаги аёлларларда, унинг патогенетик подтипларига қараб, мия қон айланишининг ўткир бузилишларини ташхислаш ва даволашни такомиллаштириш шулар жумласидандир.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўтказилган илмий тадқиқотлар таҳлилида фертил ёшдаги аёлларнинг гендер хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда махсус тадқиқотлар ўтказиш зарурлиги аниқланди, чунки эркак ва аёл организмларининг индивидуал хусусиятлари бир-биридан тубдан фарқ қилади. Шунингдек, ёш, ўрта ёш, кекса ва айниқса қариялар ёшида гемодинамика кўрсаткичлари ва гомеостаз хусусиятларининг кескин фарқларини ҳисобга олиш зарур. Ушбу фарқлар бир қатор эпидемиологик тадқиқотлар ўтказилишига асос бўлди. REGARDS (The Reasons for Geographic and Racial Differences in Stroke, 2004) популяцион тадқиқотида аёллар ва эркаклар орасида ёшга қараб инсульт тарқалиши таққосланди. Маълум бўлдики, ёшда яъни (45-54 ёш) европоид ва негроид ирқ вакиллари орасида инсульт тарқалиши аёлларда эркакларга нисбатан пастроқ. Бирок, ёш ошиши билан бу фарқ йўқолади. Айниқса 85 ёш ва ундан катта ёшда инсульт частотаси негроид ирққа мансуб аёллар орасида деярли 3 баробар ва европоид аёллар орасида 2 баробар юқори бўлиб, бир хил ёшдаги эркакларга нисбатан юқори. Швецияда ўтказилган популяцион тадқиқот (U. Lotmark ва бк., 2017й), шунингдек Оксфорд университетининг қон-томир тадқиқоти (Oxford Vascular Study, P. Rothwell et al., 2015) натижаларига кўра, 55-64 ёшда аёллар орасида инсульт касалиги эркакларга нисбатан 60% паст бўлса, 75 ёшдан кейин

аёллар 50% кўпроқ касалланади. АҚШда турли ёш гуруҳларида инсультдан ўлим кўрсаткичларининг гендер нисбати ўрганилди (M. Reeves et.al., 2018).

Замонавий маҳаллий ва хорижий адабиётларда гендер хусусиятлари бўйича маълумотлар турлича бўлиб, нафақат эпидемиологик ўрганиш параметрлари бўйича, балки хавф омиллари, патогенез, клиник хусусиятлар ва даволаш тамойиллари бўйича ҳам кейинги аниқлаштириш талаб этилади. Ишемик инсультларнинг ўрганишга етарлича ишлар бағишланган, аммо бу патология муаммоси клиницистларнинг эътиборини ўсиб бораётган тарқалиши ва кейинги ўсиш тенденцияси, юқори ўлим даражаси, этиологияси ва патогенезининг мураккаблиги, ушбу фертил ёшдаги аёлларни босқичма-босқич олиб бориш бўйича маълумотларнинг йўқлиги туфайли жалб қилишда давом этмоқда. Фертил ёшдаги аёлларни босқичма-босқич даволаш, аниқ реабилитация усуллари йўқлиги ва мавжуд даволаш усулларининг етарли самарадорлиги йўқлиги ишемик кардиэмболик инсультлар муаммоси ўткир даврда ўрганилганлигини таъкидлаш имконини беради (Schulz Y.G., 2017; Стаховская Л.В., 2017; Mantilla-Garsia D., 2023).

Вертебро-базилляр тизимида инсульт хавф омилларини жарроҳлик йўли билан даволаш (Department of neurology Baiging Tifntan Hospital), қон-томир окклюзияси биомаркерлари, эндоваскуляр терапия, тромбоз масалалари, инсульт профилактикасида микро-РНК ўрганилган (Топузова М.П. 2018). Репродуктив ёшдаги аёлларда цереброваскуляр бузилишлар ўзларининг тузилиши, этиология ва хавф омилларининг сезиларли полиморфизми, шунингдек уларнинг ривожланиш хавфини оширадиган қўшимча омиллар мавжудлиги билан фарқланади. Ўзбекистонда (Гафуров Б.Г., 2020; Асадуллаев М.М., Мажидова Ё.Н. 2021) каби олимлар томонидан цереброваскуляр патология асоратларини эрта аниқлашга қаратилган қатор муваффақиятли илмий изланишлар ўтказилган. Бошқа бир қатор олимлар томонидан цереброваскуляр касалликларда ўртача когнитив бузилишларни даволашга замонавий ёндашувлар ўрганилган. Ўткир бош мия айланишининг бузилиши ривожланиш омилларига аёлларда физиологик юкламалар даврида (ҳомиладорлик, эрта климакс, уларнинг патологик кечиши) тез-тез эндокрин ўзгаришлар, шунингдек репродуктив органларга аралашувлар натижасида ривожланадиган постгистерэктомик синдромларнинг юқори частотаси ўрганилган (Халимова Х.М., Матмуродов Р.Ж., Садиқова Г.К.2022). Хасталикнинг ўткир даврдан кейин реабилитация аёлларга қаратилган чоратадбирларига риоя қилинган ҳолатда, энг замонавий ва қиммат даволаш ҳамда реабилитация усулларида эмас, кўплаб тиббиёт муассасаларида мавжуд шароитдан фойдаланиш реабилитация чораларининг самарадорлигини ошириш лозимлиги ва бизнинг тадқиқот натижаларимиз шубҳасиз, морфологик ва неврологик текширувлар сифати ва аниқлигига таъсир кўрсатади. Бироқ ишемик инсультнинг фертил ёшдаги аёлларда ривожланиш хавфини башорат қилиш, ташхисот ва даволаш алгоритми ишлаб чиқилмаганлиги муаммонинг долзарблигидан далолат беради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари

билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 012000260-сонли «Инсонларнинг юқумли ва юқумли бўлмаган этиологияли ижтимоий аҳамиятга эга касалликларини олдини олиш, ташхислаш ва даволашнинг илғор технологияларини ишлаб чиқиш» илмий лойиҳаси доирасида олиб борилди.

Тадқиқотнинг мақсади: Фертил ёшидаги аёлларда ишемик инсультнинг бош мия томирлари, клиник-морфологик хусусиятларини комплекс ўрганиш ва суъний интеллект асосида хавф омилларини башоратлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари

1. Фертил ёшдаги аёлларда ишемик инсультнинг клиник-эпидемиологик хусусиятларини қиёсий таҳлил қилиш, хавф омилларининг кичик турлар ва ёш оралиқлари бўйича тақсимланиш;
2. NIHSS шкаласи бўйича фертил ёшдаги аёлларда ишемик инсультнинг ўткир даврида неврологик дефицит оғирлигини баҳолаш ва клиник-анамнестик маълумотлар билан неврологик бузилишлар ўртасидаги корреляцион боғлиқликларни аниқлаш;
3. Чарлсон коморбидлик индекси (CCI) ёрдамида фертил ёшдаги ишемик инсультли аёлларда коморбид ҳолатларнинг тарқалиши ва тузилишини ўрганиш ҳамда уларнинг касаллик кечишининг оғирлиги ва натижасига таъсирини аниқлаш;
4. Фертил ёшдаги аёлларда ишемик инсультнинг турли кичик турларида МСКТ ва МРТ текширувларининг диагностик аҳамиятини қиёсий баҳолаш ва эрта нейровизуализацион диагностика мезонларини яратиш;
5. Фертил ёшдаги аёлларда ишемик инсультнинг турли кичик турларида мия қон томирларининг патоморфологик ўзгаришлари ва томир деворининг структур хусусиятларини ўрганиш ҳамда уларнинг клиник намоён бўлиши билан ўзаро боғлиқлигини кўрсатиш;
6. Клиник ва инструментал маълумотлар асосида фертил ёшдаги аёлларда церебрал қон томирларнинг патоморфологик ўзгаришларини прогнозлаш алгоритминини ишлаб чиқиш ва аниқланган хавф омилларининг прогностик аҳамиятини баҳолаш;
7. Claude-3.5-Sonnet сунъий интеллект технологиясидан фойдаланиб фертил ёшдаги аёлларда клиник ва морфологик ўзгаришларни прогнозлаш тизимини яратиш ва синовдан ўтказиш ҳамда ишемик инсульт асоратларини профилактика қилиш учун унинг самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ишемик инсультга доир 2022-2024 йиллар давомида 269 та ҳолат ўрганилиб, шундан Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникасининг “интенсив неврология” бўлимида 20 ёшдан 49 ёшгача бўлган фертил ёшдаги аёллар 128 та клиник ҳолат, проспектив ва ретроспектив ўрганилиб, таҳлил қилиш маълумотлари олинган. Бундан ташқари 141та Республика патологоанатомия марказида текширилган секцион ҳолатлар олинди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида неврологик етишмовчилик, когнитив бузилишларни динамик кузатиш ва даволаш натижалари, лаборатор

ва нейровизуализацион текширув усулларининг натижалари олинган сифатида ишемик инсультдан вафот этган фертил ёшдаги аёлларнинг аутопсия материалларида бош мия томирларидаги патоморфологик ўзгаришлар олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда фертил ёшдаги аёлларда ўткир инсультларнинг клиник-патоморфологик ўзгаришларнинг корреляциясини илмий асослашда морфологик, патоморфологик, морфометрик, иммуногистокимёвий, клиник, неврологик, радиологик (МРТ, МСКТ) сунъий интеллект ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

фертил ёшдаги аёлларда инсульт кечишида кўшимча касалликларни комплекс баҳолашда Чарлсон коморбидлик индексини қўллаш орқали турли хил кўшимча касалликларнинг инсульт ривожланишидаги ўрни ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги механизми исботланган;

SS-QoL шкаласини ўзбек тилига мослаштириш ва валидация қилиш орқали фертил ёшдаги аёлларда ишемик инсультнинг турли хил кўринишларида ҳаёт сифатини баҳолаш, хавф омилларини аниқлаш ва клиник хусусиятларини қиёсий ўрганишда шкаланинг аҳамияти исботланган;

бош мия, экстракраниал ва интрацеребрал артерияларидаги атеросклеротик ўзгаришларни комплекс баҳолаш орқали обструктив атеротромбоз ва цереброваскуляр етишмовчиликнинг муҳим роли аниқланган;

фертил ёшдаги ишемик инсульт ўтказган аёлларда бош мия томирларининг функционал ҳолатидаги морфологик ўзгаришларга асосланган диагностик мезонларни ишлаб чиқилган;

илк бор маълумотларни тизимлаштиришда ва инсульт асоратларини олдини олишда Claude-3.5-Sonnet (Anthropic, 2024) тил модели асосидаги сунъий интеллект ёрдамчи восита сифатида қўлланиши асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

фертил ёшдаги аёлларда ишемик инсультнинг турли кичик турларида ўзига хос клиник-патоморфологик корреляциялар аниқланди, бу диагностика жараёнини оптималлаштириш ва даволаш чора-тадбирларининг самарадорлигини оширишга имкон беради.

фертил ёшдаги ишемик инсультли аёлларни комплекс текшириш алгоритми ишлаб чиқилди, бу алгоритм ушбу популяцияда касалликнинг патогенетик хусусиятларини ҳисобга олади.

клиник, лаборатория ва нейровизуализацион кўрсаткичлар асосида фертил ёшдаги аёлларда ишемик инсультнинг салбий оқибатлари хавфини стратификациялаш тизими таклиф этилди.

Claude-3.5-sonnet сунъий интеллект технологиясидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқилган прогнозлаш тизими клиник амалиётга жорий этилди, бу ишемик инсульт асоратлари частотасини 23,8% га камайтириш ва 68,3% беморларда функционал натижаларни яхшилашга имкон берди.

гендер-специфик хавф омилларини ҳисобга олган ҳолда фертил ёшдаги аёлларда ишемик инсультнинг олдини олиш бўйича амалий тавсиялар шакллантирилди.

ишемик инсультни бошидан ўтказган фертил ёшдаги аёлларда асосий патогенетик даволаш самарадорлигини оширишга қаратилган янги даволаш тактикаси ишлаб чиқилди.

аҳолига шошилиш ва тез тиббий ёрдам кўрсатиш жараёнидаги камчиликларни бартараф этиш ва олдини олиш ҳамда аҳолига тез тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини ошириш бўйича эксперт тавсияларини ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган патоморфологик, морфометрик, иммуногистохимик, клиник, неврологик ва статистик тадқиқот усуллари асосида кардиоген этиологияли ўткир инсультларда клиник-патоморфологик ўзгаришларнинг корреляцияси илмий асослаш ва олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқишнинг ўзига хослиги халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, ҳулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти инсульт ўтказган фертил ёшдаги аёллар клиник-неврологик ҳолатлари гуруҳлар ва инсульт ўтказган ёшлар кесимида ўрганилиб, мия қон айланишининг бузилиши қайд этилган беморларда стандартлаштирилган бош мия инсультлари билан хасталанган беморларнинг ҳаёт сифатини оширишга, касаллик вақтида ва асоратлари кузатилганда, самарали даво усуллари ишлаб чиқишга, шунингдек, тадқиқот натижаларидан амалий тиббиётда, анатомия, гистология, патологик анатомия, неврология фанлари бўйича маъруза ва амалий машғулотларда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти – инсультли фертил ёшдаги аёллар коморбид касалликларини Чарлсон коморбидлик индекси CCI билан баҳолалиб, неврологик статус NIHSS билан ўзаро боғлиқлиги аниқланди: қанчалик фертил ёшдаги аёлларни CCI кўрсаткичлари ва NIHSS шкаласи кўрсаткичлари паст бўлса- реабилитацион потенциал башорати яхши, аксинча қанчалик фертил ёшдаги аёлларни CCI кўрсаткичлари ва NIHSS шкаласи кўрсаткичлари баланд бўлса- реабилитацион потенциал башорати ёмон - тикланиш темплари жуда суст бўлиши исбот қилинди. Бу шкалалар ўзаро боғлиқлигини фертил ёшдаги аёлларни инсульт ўткир даврдан тикланиш даврига кейинги босқичда ўтишида реабилитация прогнозини башоратлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Фертил ёшдаги аёлларда ишемик инсультнинг бош мия томирлари, клиник-морфологик хусусиятларини комплекс ўрганиш ва сунъий интеллект асосида хавф омилларини башоратлаш бўйича илмий изланиш натижаларига кўра (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг илмий-тадқиқот ишлари натижаларини амалиётга

татбиғи асосида 2024 йил 10 декабрдаги 10 – сонли йиғилиш баённомаси хулосаси):

биринчи илмий янгилик: фертил ёшдаги аёлларда инсульт кечишида кўшимча касалликларни комплекс баҳолашда Чарлсон коморбидлик индексини қўллаш орқали турли хил кўшимча касалликларнинг инсульт ривожланишидаги ўрни ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги механизми исботланган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Тошкент Тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникасининг "неврология" бўлимида (26.11.2024 йилдаги 160 - сонли буйруқ) ва Республика суд -тиббий экспертиза илмий – амалий маркази Самарқанд филиали (27.11.2024 йилдаги 246-сонли буйруқ) амалиётга татбиқ этилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга татбиқ этилиши такомиллаштирилган Чарлсон индексини қўллаш алгоритми кўшимча касалликларни эрта аниқлаш ва асоратларни олдини олиш имконини беради. Натижада, беморларнинг ҳаёт сифати яхшиланади, шунингдек, ўз вақтида даволаш орқали инсультдан кейинги узок муддатли ногиронлик ҳоллари камаяди, бу эса ижтимоий-иқтисодий юкни камайтиради. Иқтисодий самарадорлиги: Фертил ёшдаги аёлларда инсультда кўшимча касалликларни эрта ташхислаш 28% ҳолатда касаллик авж олиб боришини олдини олишга имконият беради. Кўшимча касалликларни эрта ташхислаш касалликни авж олиб боришини ва асоратларини олдини олган ҳолда битта бемор учун стационар шароитда даволаниши бир кунлик харажати: 1150000 сўм бўлса, 92 нафар бемордан касалликни авж олиб боришини ва асоратларини 8 нафар бемордан 5 нафар беморгача камайтирилди, демак бир нафар бемордан 1150000 сўм иқтисод қилинса, йиллик иқтисодий кўрсаткич 3 нафар бемор учун 3450000 сўмни ташкил қилади.

иккинчи илмий янгилик: SS-QoL шкаласини ўзбек тилига мослаштириш ва валидация қилиш орқали фертил ёшдаги аёлларда ишемик инсультнинг турли хил кўринишларида ҳаёт сифатини баҳолаш, хавф омилларини аниқлаш ва клиник хусусиятларини қиёсий ўрганишда шкаланинг аҳамияти исботланган; илмий янгиликнинг аҳамияти: фертил ёшдаги аёлларда ишемик инсультда SS-QoL шкаласи ёрдамида хавф омилларини эрта ташхислаш орқали мумкин бўлган асоратлар ривожланишини олдини олишга имконият беради; илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Тошкент Тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникасининг "неврология" бўлимида (26.11.2024 йилдаги 160 - сонли буйруқ) ва Республика суд -тиббий экспертиза илмий – амалий маркази Самарқанд филиали (27.11.2024 йилдаги 246-сонли буйруқ) амалиётга татбиқ этилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга татбиқ этилиши натижасида фертил ёшдаги аёлларда ишемик инсультда SS-QoL шкаласи ёрдамида хавф омилларини эрта ташхислаш 33% ҳолатда касаллик авж олиб боришини олдини олишга имконият беради. Ижтимоий самарадорлиги: фертил ёшдаги аёлларда ишемик инсультда SS-QoL шкаласи ёрдамида хавф омилларини эрта ташхислаш 33% ҳолатда касаллик авж олиб боришини олдини олишга имконият беради. Иқтисодий самарадорлиги: SS-QoL

шкаласи ёрдамида эрта ташхислаш касалликни авж олиб боришини ва асоратларини олдини олган ҳолда битта бемор учун стационар шароитда даволаниши бир кунлик харажати: 1050000 сўм бўлса, 90 нафар бемордан касалликни авж олиб боришини ва асоратларини 8 нафар бемордан 5 нафар беморгача камайтирилди, демак бир нафар бемордан 1050000 сўм иқтисод қилинса, йиллик иқтисодий кўрсаткич 3 нафар бемор учун 3150000 сўмни ташкил қилади.

учинчи илмий янгилик: бош мия, экстракраниал ва интрацеребрал артерияларидаги атеросклеротик ўзгаришларни комплекс баҳолаш орқали обструктив атеротромбоз ва цереброваскуляр етишмовчиликнинг муҳим роли аниқланган; илмий янгиликнинг аҳамияти: фертил ёшдаги аёлларда инсулт ривожланишининг асосий сабаблари ўрганилиб, бош мия, экстракраниал ва интрацеребрал артерияларда қон айланиши бузилишларини комплекс баҳолаш орқали турли хил қўшимча касалликлар ва цереброваскуляр етишмовчиликнинг муҳим рол ўйнайди; илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Тошкент Тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникасининг "неврология" бўлимида (26.11.2024 йилдаги 160 - сонли буйруқ) ва Республика суд -тиббий экспертиза илмий – амалий маркази Самарқанд филиали (27.11.2024 йилдаги 246-сонли буйруқ) амалиётга татбиқ этилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга татбиқ этилиши натижасида фертил ёшдаги аёлларда инсулт ривожланишида хавф омилларини эрта ташхислаш орқали мумкин бўлган асоратлар ривожланишини олдини олишга имконият беради; Ижтимоий самарадорлиги: даволаш чора-тадбирларини сифатини оширишга ва касалхонага қайта мурожаат қилиш частотасини 30% га камайтиради. Иқтисодий самарадорлиги: фертил ёшдаги аёлларда инсулт ривожланишида хавф омилларини эрта ташхислаш 32% ҳолатда касаллик авж олиб боришини олдини олишга имконият беради. Хавф омилларини эрта ташхислаш касалликни авж олиб боришини ва асоратларини олдини олган ҳолда битта бемор учун стационар шароитда даволаниши бир кунлик харажати: 1100000 сўм бўлса, 88 нафар бемордан касалликни авж олиб боришини ва асоратларини 8 нафар бемордан 5 нафар беморгача камайтирилди, демак бир нафар бемордан 1100000 сўм иқтисод қилинса, йиллик иқтисодий кўрсаткич 3 нафар бемор учун 3300000 сўмни ташкил қилади.

тўртинчи илмий янгилик: фертил ёшдаги ишемик инсулт ўтказган аёлларда бош мия томирларининг функционал ҳолатидаги морфологик ўзгаришларга асосланган диагностик мезонларни ишлаб чиқилган: фертил ёшдаги ишемик инсулт ўтказган аёлларда бош мия томирларининг функционал ҳолатидаги морфологик ўзгаришларга асосланган диагностик мезонларни комплекс баҳолаш орқали касалликнинг ривожланиш механизмлари ва клиник кечиш хусусиятлари ўрганилиб чиқилди; илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Тошкент Тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникасининг "неврология" бўлимида (26.11.2024 йилдаги 160 - сонли буйруқ) ва Республика суд -тиббий экспертиза илмий – амалий маркази Самарқанд филиали (27.11.2024 йилдаги 246-сонли буйруқ)

амалиётига татбиқ этилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга татбиқ этилиши натижасида фертил ёшдаги аёлларда ишемик инсультни морфологик ўзгаришларга асосланиб эрта ташхислаш орқали мумкин бўлган асоратлар ривожланишини олдини олишга имконият беради; Ижтимоий самарадорлиги: даволаш чора-тадбирларини сифатини оширишга ва касалхонага қайта мурожаат қилиш частотасини 28% га камайтиради. Иқтисодий самарадорлиги: фертил ёшдаги аёлларда ишемик инсультни морфологик мезонлар асосида эрта ташхислаш 30% ҳолатда касаллик авж олиб боришини олдини олишга имконият беради. Морфологик диагностик мезонларга асосланиб эрта ташхислаш касалликни авж олиб боришини ва асоратларини олдини олган ҳолда битта бемор учун стационар шароитда даволаниши бир кунлик харажати: 1080000 сўм бўлса, 85 нафар бемордан касалликни авж олиб боришини ва асоратларини 8 нафар бемордан 5 нафар беморгача камайтирилди, демак бир нафар бемордан 1080000 сўм иқтисод қилинса, йиллик иқтисодий кўрсаткич 3 нафар бемор учун 3240000 сўмни ташкил қилади.

бешинчи илмий янгилик: илк бор маълумотларни тизимлаштиришда ва инсульт асоратларини олдини олишда Claude-3.5-Sonnet (Anthropic, 2024) тил модели асосидаги сунъий интеллект ёрдамчи восита сифатида қўлланиши асосланган: фертил ёшдаги аёлларда инсульт кечишида маълумотларни тизимлаштириш ва асоратларни олдини олишда илк бор Claude-3.5-Sonnet (Anthropic, 2024) сунъий интеллект тил модели ёрдамчи восита сифатида қўлланилиб, касалликнинг клиник кечиши ва натижаларини прогнозлаш самарадорлиги оширилган; илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Тошкент Тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникасининг "неврология" бўлимида (26.11.2024 йилдаги 160 - сонли буйруқ) ва Республика суд -тиббий экспертиза илмий – амалий маркази Самарқанд филиали (27.11.2024 йилдаги 246-сонли буйруқ) амалиётига татбиқ этилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга татбиқ этилиши натижасида сунъий интеллект ёрдамида маълумотларни тизимли таҳлил қилиш орқали мумкин бўлган асоратлар ривожланишини олдини олишга имконият беради; Ижтимоий самарадорлиги: даволаш чора-тадбирларини сифатини оширишга ва касалхонага қайта мурожаат қилиш частотасини 32% га камайтиради. Иқтисодий самарадорлиги: сунъий интеллект тил модели ёрдамида касалликни эрта ташхислаш ва прогнозлаш 35% ҳолатда касаллик авж олиб боришини олдини олишга имконият беради. Сунъий интеллект ёрдамида касалликни мониторинг қилиш ва асоратларини олдини олган ҳолда битта бемор учун стационар шароитда даволаниши бир кунлик харажати: 1200000 сўм бўлса, 90 нафар бемордан касалликни авж олиб боришини ва асоратларини 9 нафар бемордан 5 нафар беморгача камайтирилди, демак бир нафар бемордан 1200000 сўм иқтисод қилинса, йиллик иқтисодий кўрсаткич 4 нафар бемор учун 4800000 сўмни ташкил қилади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий анжуманда муҳокома қилинган, жумладан, 2 та

халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, жумладан, 12 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, етти та боб ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Фертил ёшдаги аёлларда ишемик инсультнинг этио-патогенези, диагностикаси, даволаш ва реабилитациясининг клинико-морфологигиясига, хавф омилларига замонавий қарашлар**» деб номланган биринчи бобида шарҳида фертил ёшдаги аёлларда ишемик инсультнинг этиопатогенези, диагностикаси, даволаш ва реабилитациясининг клиникасига, морфологигияси таҳлил қилган. Ишемик инсультнинг кичик гуруҳларига оид маълумотлар келтирилган ва клиник кўринишлари батафсил таҳлил қилинган. Муаммонинг ечимини топишда муаллифлик ёндошуви ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқотда қўлланилган текширув усуллари фертил ёшдаги аёлларнинг умумий тавсифи**» деб номланган иккинчи бобида бир нечта соҳа ва босқичларни ўз ичига олган проспектив қиёсий кузатув тадқиқотларидан иборат илмий изланишлар тақдим этилган. 2022-2024 йиллар давомида ишемик инсультнинг 269 та ҳолати ўрганилган бўлиб, улардан Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникасининг неврология бўлимида 20 ёшдан 49 ёшгача бўлган фертил аёлларда 128 та клиник ҳолат ўрганилган, проспектив ва ретроспектив таҳлил маълумотлари олинган. Бундан ташқари, Республика патологоанатомия марказида 141 та секцион ҳолатлар ўрганилган. Тадқиқот комплекс характерга эга бўлиб, клиник ва патоморфологик қисмларни ўз ичига олган:

- Фертил ёшдаги аёлларда ишемик инсульт клиник ҳолатларининг проспектив когорта тадқиқоти (n=87);

- Фертил ёшдаги ишемик инсульт касаллиги бўлган аёлларнинг касаллик тарихларини ретроспектив таҳлили (n=41);

• Секцион ҳолатларда церебрал қон томирларнинг морфологик тадқиқоти (n=141).

Мазкур тадқиқотда фертил ёшдаги аёллар 2001 йилда қабул қилинган ва 2012 йилда янгиланган, ҳозиргача қўлланилаётган ЖССТ таснифи асосида гуруҳларга бўлинди. Госпитализация ва инсульт таснифи бўйича маълумотлар (n=128). Касалликнинг биринчи 3-6 соатида 22 бемор (17,1%) та, касалликнинг бошланишидан 24 соат ўтгач 42 (32,9%)та, оралиқ муддатда (6-24 соат) 64 бемор (50,0%) госпитализация қилинган.

Биз TOAST классификацияси бўйича клиник (n=128) ва секцион (n=141) ҳолатларда беморларни ишемик инсульт кичик турларига бўлдиқ ва ҳар бир кичик тури учун диагностик мезонларни тақдим этдик (1-жадвал).

1-жадвал

TOAST классификацияси бўйича диагностик мезонлар

Ишемик инсультнинг кичик тури	Клиник ҳолатлар (n=128)	Секцион ҳолатлар (n=141)	Диагностик мезонлар
1. Кардиоэмболик	44 (34,4%)	53 37,6%)	Кардиалэмболик инсульт, визуализация усуллари орқали тасдиқланиши • пўстлок, пўстлок-ости ёки церебелляр инфарктлари >1,5 см МРТ/МСКТда • мос артерияларда >50% стенознинг бўлмаслиги • Юқори кардиоэмболик ҳавфли омилининг ҳужжатлаштирилган ҳолати
2. Атеротромботик	34 (26,6%)	45 (31,9%)	- Экстра/интракраниал артерияларда >50% стеноз мос бассейнларда пўстлок, пўстлок-ости ёки церебелляр инфарктлари >1,5 см ≥2 қон томирлари фактора рискнинг мавжудлиги. Кардиоэмболик подтип учун мезонларнинг бўлмаслиги
3. Лакунар	20 (15,6%)	19 13,5%)	Бир неча классик лакунар синдромлари. Пўстлок ости инфарктлар ≤1,5 см чуқур бўлимларда. Кортикал бузилишлар бўлмаслиги. Кенг церебрал артерияларда муҳим стенозларнинг бўлмаслиги. Потенциал кардиоэмболик манбанинг бўлмаслиги
4. Бошқа белгиланган этиология	12 (9,4%)	11 (7,8%)	Ҳужжатлаштирилган кам учрайдиган сабаблар: артериал диссекция, антифосфолипид синдроми, церебраль васкулит ва бошқалар. Гуруҳлар 1, 2 ва 3 га кириш учун мезонларнинг бўлмаслиги.
5. Криптоген	18 (14,0%)	13 9,2%)	- Тўлиқ комплекс баҳолашдан кейин 1, 2, 3 ва 4 гуруҳларга кириш учун мезонларнинг бўлмаслиги. Тўлиқ диагностик текширувни ўтказиш.
Жами	128 (100%)	141 (100%)	

Тадқиқот давомида барча беморларга қуйидаги компонентларни ўз ичига олган комплекс клиник-инструментал текширув ўтказилди.

Клиник текширув анамнезнинг батафсил таҳлилини ўз ичига олди, хусусан аёлларнинг фертил ёшдаги хавф омилларига эътибор қаратилди (гормонал контрацепция қўллаш, акушерлик анамнези, аура билан бошланадиган мигрень ва б.қ.). Барча беморларга стандартлаштирилган неврологик кўрикма ўтказилди, госпитализация пайтида, 3-ва 7-кунларда, шунингдек чиқариб юборилганда NIHSS шкаласи бўйича неврологик етишмовчиликнинг оғирлиги баҳоланди. Функционал натижа модификацияланган Рэнкин шкаласи (mRS) ёрдамида инсультдан кейин 7-, 30- ва 90-чи кунларда баҳоланди. Коморбид фонни объективлаштириш учун Чарлсон индекси (CCI) қўлланилди.

Барча беморларга нейровизуализация текширувлари ўтказилди, касалликнинг биринчи 24 соатида мультиспирал компьютер томографияси (МСКТ) ва 24-72 соат оралиғида T1, T2, FLAIR, DWI, SWI режимларида бош мия магнит-резонанс томографияси (МРТ) ўз ичига олинди. Цереброваскуляр ҳолатни баҳолаш учун МР-ангиография ёки КТ-ангиография (МРТга қарши кўрсатмалар бўлганда) ўтказилди. Визуализация текширувлари Siemens Magnetom Skyra 3.0 Тесла (МРТ) ва Siemens SOMATOM Definition Edge (МСКТ) томографларида бажарилди.

Секцион ҳолатларида (n=141) бош мия ва цереброваскуляр тизимнинг комплекс патоморфологик текширувлари ўтказилди. Макроскопик текширув ишемик зарарланиш ўчоқларининг характери, жойлашуви ва ўлчамларини, мия шишининг даражасини, зарарланган соҳадаги қон томир тизими ҳолатини баҳолашни ўз ичига олди. Гистологик текширув учун материал инфаркт ўчоғидан, перифокал зонадан ва тегишли бассейн қон томирларидан олинди. Гистологик текширув стандарт бўёқлар ёрдамида бажарилди: гематоксилин-эозин (тўқима тузилишини умумий баҳолаш учун), Ван-Гизон (коллаген толаларни аниқлаш учун), Вейгерт (қон томир деворининг эластик толалари ҳолатини баҳолаш учун). 5-7 мкм қалинликдаги кесмалар стандарт методика бўйича парафин блоклардан тайёрланди. Қон томир деворининг структур компонентларини морфометрик таҳлили Leica Application Suite (Version 4.12) компьютер тасвирларни таҳлил қилиш тизими ёрдамида амалга оширилди ва интима, медиа, адвентиция қалинлигини ўлчашни, интима/медиа индексини ҳисоблашни, қон томир просветининг стеноз даражасини ва атеросклеротик бляшкалар майдонини баҳолашни ўз ичига олди. Олинган маълумотлар стандартлаштирилган текширув протоколларида ҳужжатлаштирилди ва тадқиқот мақсад ва вазифаларига мувофиқ статистик таҳлил қилинди.

Диссертациянинг «**Инсульт ўткир даврида фертил ёшдаги аёллар клиник-анамнестик, клиник - неврологик кўрсаткичлари таҳлили**» деб номланган учинчи бобда фертил ёшдаги аёлларда ишемик инсультнинг клиник-эпидемиологик хусусиятларини ўргандик.

Ишемик инсультнинг кичик турларининг таҳлили шуни кўрсатдики, касалликнинг ривожланиш механизмларида кардиоэмболик (34,4%) ва атеротромботик (26,6%) механизмларнинг устунлиги ва лакунар инсульт

15,6%ни, криптоген инсульт эса 14,0%, бошқа аниқланган этиологиядаги инсульт – 9,4% ни ташкил қилди.

20-29 ёш гуруҳида (n=24) бошқа аниқланган этиологиядаги инсультлар (41,7%) ва криптоген инсультлар (33,3%) устун бўлди. 30-39 ёш гуруҳида (n=42) кардиоэмболик (35,7%) ва криптоген (23,8%) инсульт кичик тури энг кўп учради. 40-49 ёш гуруҳида (n=62) атеротромботик (41,9%) ва кардиоэмболик (38,7%) кичик тури устунлик қилди (2 жадвал).

2-жадвал

Ишемик инсульт типларининг фертил ёшдаги аёлларда ёшга боғлиқ тақсими

Инсультнинг кичик турлари	20-29 ёш (n=24)	30-39 ёш (n=42)	40-49 ёш (n=62)	Жами (n=128)
Кардиоэмболик	3 (12,5%)	15 (35,7%)	24 (38,7%)	44 (34,4%)
Атеротромботик	1 (4,2%)	7 (16,7%)	26 (41,9%)	34 (26,6%)
Лакунар	2 (8,3%)	8 (19,0%)	12 (19,4%)	22 (17,2%)
Бошқа аниқланган этиология	10 (41,7%)	2 (4,8%)	20 (32,3%)	32 (25,0%)
Криптоген	8 (33,3%)	10 (23,8%)	2 (3,2%)	18 (14,0%)
Жами	24 (100%)	42 (100%)	62 (100%)	128 (100%)

Ёшга хос хавф омиллари аниқланди: 20-30 ёшда артериал диссекция (21,6%) ва антифосфолипид синдроми (18,9%) устунлик қилди, 31-40 ёшда – гормонал контрацепция (25,7%) ва метаболит бузилишлари (23,4%), 41-49 ёшда – артериал гипертензия (43,8%) ва гиперхолестеринемия (36,2%) ($p < 0,05$) (3-жадвал).

3-жадвал

Фертил ёшидаги турли ёш гуруҳларида ишемик инсультнинг етакчи хавф омиллари

Ёш гуруҳи	Энг асосий хавф омиллари	Беморлар сони	
		Абс.	%
20-29 ёш	Артериал диссекция	28	21.6%
	Антифосфолипид синдром	24	18.9%
30-39 ёш	Гормонал контрацепция	33	25.7%
	Метаболик бузилиш	30	23.4%
40-49 ёш	Артериал гипертензия	56	43.8%
	Гиперхолестеринемия	46	36.2%

Элатма: Ёш гуруҳлари ўртасидаги фарқлар статистик жиҳатдан аҳамиятли ($p < 0,05$).

Берилган жадваллар репродуктив ёшдаги аёлларда ишемик инсультнинг патогенетик кичик турлари ва хавф омилларининг аниқ ёшга хос

хусусиятларини кўрсатади. Кичик ёш гуруҳида бошқа белгиланган этиологиядаги ва криптоген инсультлар устун бўлиб, ўрта ёш гуруҳида кардиоэмболик кичик тур улуши сезиларли кўпаяди, катта ёш гуруҳида эса атеротромботик ва кардиоэмболик инсульт механизмлари устун бўлади. Репродуктив ёшдаги аёлларда ишемик инсультнинг кичик турлари ва асосий хавф омилларининг тақсимланиши аниқ ёшга хос механизмларни кўрсатади. Ёш давр (20-29 ёш) да бошқа белгиланган этиологиядаги ва криптоген инсультлар устун бўлса, катта ёш гуруҳида (40-49 ёш) атеротромботик ва кардиоэмболик кичик турлар устун бўлиб, бу цереброваскуляр патологиянинг ёшга боғлиқ патогенетик хусусиятларини акс эттиради.

Неврологик етишмовчиликнинг оғирлиги ва клиник-анамнестик маълумотлар билан боғлиқлиги шуни кўрсатдики, NIHSS шкаласи бўйича ишемик инсультнинг ўткир даврида неврологик етишмовчилик даражаси кичик турига қараб ўзгаради: кардиоэмболик кичик турда энг оғир етишмовчилик ($14,8 \pm 2,3$ балл), лакунар кичик турда эса энг кам даражада ($6,5 \pm 1,7$ балл) ($p < 0,01$). NIHSS кўрсаткичлари билан статистик жиҳатдан аҳамиятли корреляциялар аниқланди: ёш билан ($r=0,42$; $p < 0,01$), чекиш билан ($r=0,38$; $p < 0,05$) ва углевод алмашинуви бузилишлари билан ($r=0,45$; $p < 0,01$) (4-жадвал).

4-жадвал

Неврологик етишмовчиликнинг оғирлиги (NIHSS) ва клиник-анамнестик омиллар ўртасидаги корелляциялар

Клиника-анамнестик омил	Корелляция коэффиценти (r)	Аҳамият даражаси (p)
Ёш	0,42	<0,01
Чекиш	0,38	<0,05
Углевод алмашинуви бузилишлари	0,45	<0,01

Берилган жадвалда ишемик инсультнинг турли кичик турлари бўйича неврологик етишмовчиликнинг оғирлик даражаларидаги сезиларли фарқлари кўрсатилган. Кардиоэмболик механизмда етишмовчилик белгиларининг энг оғир бузилишлари юқори бўлгани ҳолда, лакунар инсультда нисбатан камроқ кўришимиз мумкин. Аниқланган корелляциялар ёш, чекиш ва углевод алмашинуви бузилишлари каби омиллар билан неврологик етишмовчиликнинг оғирлиги ўртасидаги аҳамиятли ўзаро боғлиқликни кўрсатади. Бу эса бу омилларнинг репродуктив ёшдаги аёлларда ишемик инсультнинг клиник кечишининг оғирлигини аниқлашдаги ролини кўрсатади.

Коморбид ҳолатлар репродуктив ёшдаги ишемик инсульт билан чалинган аёлларнинг 76,8% да аниқланган. Чарлсон коморбидлик индекси (CCI) ≥ 3 балл билан инсультнинг оғир кечишлари билан боғлиқ (NIHSS $13,2 \pm 2,1$ балл, CCI < 3 бўлганларда $8,6 \pm 1,9$ балл; $p < 0,01$) ва 3 ойдан сўнг

функционал натижаларнинг ёмонлашиши (mRS >3 балл, CCI \geq 3 бўлган аёлларда 41,5% ва CCI<3 бўлганларда 18,7%; p<0,01). Инсултнинг кечишининг энг салбий таъсири қандли диабет (ОШ=2,85, 95% ДИ 1,76-4,62) ва қон тамирлари касалликлари (ОШ=2,31, 95% ДИ 1,45-3,68)ни кўрсатди (5-жадвал).

5-Жадвал

Чарлсон коморбидлик индексининг (CCI) ишемик инсултнинг оғирлигига таъсири репродуктив ёшдаги аёлларда

Кўрсаткичлари	CCI < 3 балл	CCI \geq 3 балл	Аҳамият даражаси (p)
Неврологик етишмовчиликнинг оғирлиги по NIHSS, балл (M \pm SD)	8,6 \pm 1,9	13,2 \pm 2,1	<0,01
Носозликка оид функционал натижа (3 ойдан сўнг) (mRS > 3 балл), %	18,7%	41,5%	<0,01

Эслатма: Коморбид ҳолатлар 76,8% ишемик инсулт аниқланган аёлларда ҳам кузатилган.


Берилган жадваллар репродуктив ёшдаги аёлларда ишемик инсултнинг кечиши ва натижасига коморбид ҳолатларнинг аҳамиятли таъсири кўрсатади. Чарлсон коморбидлик индекси \geq 3 балл оғир неврологик етишмовчилик ва анча юқори салбий функционал натижалари билан боғлиқ. Коморбид ҳолатлар орасида қандли диабет ва юрак-қон томир тизими касалликлари энг катта салбий таъсирга эга бўлиб, бу уларни фаол аниқлаш ва коррекция қилиш зарурлигини кўрсатади.

Репродуктив ёшдаги аёлларда инсулт коморбид касалликларнинг чўққиси сифатида намоён бўлади. Ёш хусусиятларига қараб, коморбид ҳолатларнинг тури ва оғирлиги ўзгариб боради. Профилактика ва эрта диагностика муҳим аҳамиятга эга бўлиб, комплекс ёндашув ва мунтазам мониторингни талаб қилади. Фаол репродуктив давр (35-39 ёш) гуруҳида энг кўп пациентлар – 34 (26,6%) аёл кузатилади. Юрак-қон томир касалликлари энг кенг тарқалган коморбид ҳолат бўлиб, 58 (45,3%) та аёлни ташкил этади. Аёлларнинг асосий қисми – 126 (98,4%) ўз касалликлари ҳақида хабардор эди.

Ёш ошиши билан коморбид ҳолатларнинг комбинацияси ҳам ўзгаради: 20-25 ёшда асосан моно-коморбидлик – 12 (9,4%) аёл; 26-34 ёшда иккиламчи коморбидлик – 26 (20,3%) аёл; 35-39 ёшда иккиламчи ва учламчи коморбидлик – 34 (26,6%) аёл; 40-44 ёшда кўп коморбидлик – 31 (24,2%) аёл; 45-49 ёшда полиморбидлик – 25 (19,5%) аёлда кузатилган. Берилган маълумотлар репродуктив ёшдаги аёлларда ёш, коморбидлик структураси ва инсулт ривожланиши ўртасидаги боғлиқликни кўрсатади, бу эса ушбу аҳоли гуруҳида цереброваскуляр касалликларни профилактикасида дифференциал ёндашувнинг зарурлигини таъкидлайди.

Диссертациянинг “**Замонавий нурли диагностика усуллари**нинг фертил ёшдаги аёллари комплекс текширувида клиник аҳамияти” деб номланган тўртинчи бобининг таҳлили ишемик инсулт ўтказган фертил

ёшдаги аёлларда рентген компьютер ва магнит-резонанс томографияси ёрдамида ўтказилган комплекс клиник-нурли текширув натижалари таҳлил қилинди. Ишемик инсультларни фертил ёшдаги аёлларда эрта ташхислашда рентген компьютер ва магнит-резонанс томографиясининг имкониятлари батафсил ўрганилди. Клиник ва ультратовуш текширув усуллари маълумотлари бўйича мия қон айланишининг ўткир бузилиши гумон қилинган ёки аниқланган 128 нафар беморнинг клиник-нурли текширув натижалари ретроспектив таҳлил қилинди (1,2- расм).



1- расм. Ишемик инсульт бўлган аёлнинг бош мия КТси. Инсультнинг эрта белгилари (ривожланганидан бир неча соат ўтгач). Ўнг ўрта мия артериясининг зичлиги ошган (қон димланиши белгиси; стрелкалар билан кўрсатилган)

2-расм. Ишемик инсульт бўлган беморнинг бош мия КТси. Ўнг ички уйқу артерияси ҳавзасидаги инсультнинг эрта белгилари (ривожланганидан бир неча соат ўтгач). Томограммада ўнг пешона, чакка ва тепа бўлақларида зичлиги 24-27 НУ гача пасайган, ноаниқ контурли, кулранг ва оқ модда ўртасида, шу жумладан базал ядроларда аниқ чегараларсиз соҳа аниқланади (стрелка билан кўрсатилган). Оролча пуштаси ноаниқ визуализация қилинади. Эгатларнинг текисланиши аниқланади, бу бошланаётган шишни кўрсатади.



Инсультларнинг КТ-манзарасидаги динамикани ўрганиш учун турли муддатлардаги текширув натижалари таққосланди. Динамика пасайган зичлик соҳасининг гетероген ҳолатдан гомоген ҳолатга ўзгариши, ўчоқнинг аниқроқ контурланишида намоён бўлди. Ишемик ўчоқнинг рентген зичлиги ўзгариши динамикасини ўрганиш маълум қонуниятни аниқлаш имконини берди. Дастлабки 6-12 соатда зичликнинг енгил пасайиши (26...24 НУ) аниқланди. 4-9-кунларда ишемик соҳанинг зичлиги 18...22 НУ гача пасайган бўлса, 10-14-кунларда зичликнинг нисбий ошиши 24...26 НУ гача кузатилди. Кечки муддатларда ишемик соҳанинг зичлиги орқа мия суюқлиги қийматларига (6-15 НУ) яқинлашди.

МРТ-текширув натижалари 20 нафар ишемик инсульт билан касалланган беморларда таҳлил қилинди. Тадқиқот натижаси ўлароқ қуйидаги МРТ-белгилар аниқланди: зарарланиш зонасидаги томирда қон оқими сигнали йўқлиги, Т2- тасвирларда сигнал интенсивлигининг ўзгариши, протон зичлиги бўйича тасвирланган томограммаларда сигнал интенсивлигининг ўзгариши,

T1- тасвирларда сигнал интенсивлигининг ўзгариши, ўрта чизик тузилмалари (компрессия ёки дислокация) ва локал шиш кузатилган.

